

Мўминнинг безаги



11:00 / 02.09.2021 2517

Поклик – «Таҳорат» сўзи луғатда «тозалик ва озодалик» маъносини англатади. Шариатда эса, у таҳорат, ғусл, таяммум каби намоз ўқиш учун керакли покланишларга айтилади.

Исломда поклик иймондан ҳисобланади. Ислом поклик ва покланиш ишларига ўта жиддий қарайди. Дунёда Исломдан бошқа ҳеч бир дин, тузум ёки фалсафа покликни ва озодаликни иймонга тегишли даражага кўтармаган.

Бир вақтлар Оврупода масиҳий дини ҳукмронлик қилган пайтда поклик гуноҳ ҳисобланган. Кишилар ўзига, кийим-бошига узоқ вақт сув теккизмаганлари билан фахрланганлар. Ҳозирда ҳам кўпчилик назарида поклик тиббий ёхуд шахсий озодалик иши ҳисобланади.

Исломда эса бу иймон иши бўлиши билан бирга, поклик бўлмаса, банданинг ибодати ҳам қабул бўлмайди. Исломда барча ибодатларнинг қабул бўлиши учун аввало, банданинг қалби, нияти пок бўлиши керак.

Қолаверса, ибодатларнинг қабул бўлиши учун инсоннинг бутун танаси, кийим-боши ва ҳатто ибодат жойи ҳам пок бўлиши шарт. Пок бўлганда ҳам каттаю кичик, кўзга кўринадигану кўринмайдиган барча нопокликлардан

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Вақтики, мукулмон ёки мўмин банда таҳорат қилса, бас, у юзини ювганида ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси ила унинг икки кўзининг назари орқали қилган хатолари юзидан тўкилади. Вақтики, икки қўлини ювса, ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси ила унинг икки қўли билан қилган хатолари тўкилади. Вақтики, икки оёғини ювса, ўша сув ёки ўша сувнинг охирги қатраси ила икки оёғи билан юриб қилган хатолари тўкилади. Шундоқ қилиб, у гуноҳлардан пок бўлиб чиқади», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

**عُذِّبَتْ لِقْوَيْ مَلَسَ وَهَيْلَ لَلِصَّيْلِ لِحْتَمَسَ لِقْ هُنَّ عَوَّ
يَسْنَلْ أَوْ مَلَسْمُ هَاوَرُ. عَوْضَوْلُ عُلْبَيْ تَيْحِ نَمُؤْمَلْ نَمُ هَيْلِ لَلِ**

Яна ўша кишидан ривоят қилинади.

«У киши розияллоҳу анҳу мен ўз халилим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Мўминнинг безаги таҳорат суви етган жойгача етади», деганларини эшитдим», деди.

Муслим ва Насайй ривоят қилишган.

**نَمُ لِقْ مَلَسَ وَهَيْلَ لَلِصَّيْلِ لِحْتَمَسَ لِقْ هُنَّ عَوَّ
تَحْتُ نَمُ جُحَّتْ يَّتَحْ وَدَسَجْ نَمُ هَايْ اَطْخُ تَحْرَحْ عَوْضَوْلُ نَسْحَافْ أَضَوْت
مَلَسْمُ هَاوَرُ يَورَافْطَا**

Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким таҳорат олсаю таҳоратини чиройлик қилса, унинг хатолари жасаидан, ҳаттоки, тирноқлари остидан ҳам чиқиб кетади», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

**نَمُ لِقْ مَلَسَ وَهَيْلَ لَلِصَّيْلِ لِحْتَمَسَ لِقْ هُنَّ عَوَّ
يَسْنَلْ أَوْ دَوَادُ وَبَا هَاوَرُ يَتَّانَسَحْ رُشَعْ هَلْ تَكْرُهْ طَلَعْ أَضَوْت**

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким таҳоратнинг устига таҳорат қилса, унга ўнта ҳасанот ёзилади», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Илм-фан Ислом дини амр қилган покликка риоя қилиш инсон учун, инсоннинг соғлиги учун, турли касалликларнинг тарқалмаслиги учун жуда зарур омил эканини аллақачон исбот этиб қўйган. Биз бу ишни динимиз бундан ўн тўрт аср олдин ибодат даражасига кўтаргани, иймоннинг ярми, деб эълон қилгани ҳақида фахр билан гапиришимизнинг ўзи етарли эмас! Балки бу амрларга амал қилиб, ҳаммага ўрнатилган бўлишимиз керак. Ўзимиз, кийим-бошимиз, турар-жойимиз, шаҳар-қишлоқларимиз, ҳамма-ҳамма тарафларимиз поклиги билан бошқалардан ажралиб туриши лозим. Чунки Аллоҳ таоло поклик ҳақидаги буйруқларини айнан бизга юборган.

Қуръони каримнинг поклик ҳақидаги оятлари аввало, сиз билан бизларга хитобан келган, қолаверса, бу ўрганаётган ҳадисларни ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга қарата айтганлар. Демак, покликка амал қилишга ҳаммадан кўра мусулмонлар масъулмиз. Аллоҳга шукрлар бўлсинким, оз бўлса-да, динимиз таълимотларига амал қилинаётган жойларда ҳавас қиладиган покликка эгамиз. Ният шуки, энди бу соҳада тўлиқ озодаликка эришадиган пайт етганини англашимиз керак.

وَبِذِكْرِ رَبِّهِ يَسْتَغْفِرُ لِحِقْوَتِهِمْ رَبُّهُمْ وَأُولَئِكَ يَرْجُونَ

«Ва сизларга осмондан у билан сизни поклаш учун сув туширур».

(Анфол сураси, 11-оят).

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди